



ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ НАТИЖАСИ БАНДЛИКДИР



МУНОСАБАТ

Давлатимиз раҳбари раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг манзилли, тизимли ва жавобгарликка асосланган босқичга кўтарилаётганидан дарак беради.

Аввало, 2025 йил якунлари бўйича келтирилган макроиқтисодий кўрсаткичлар – ялпи ички маҳсулотнинг 7,7 фоизга ўсиб, 147 миллиард

доллардан ошгани, инфляциянинг пасайиши, инвестиция ва экспорт ҳажмларининг сезиларли ўсиши – ислохотлар тўғри йўналишда олиб борилаётганини тасдиқлайди. Мухими, ушбу иқтисодий ўсиш камбағаллик даражасининг 8,9 фоиздан 5,8 фоизга, ишсизликнинг эса 4,8 фоизгача пасайиши билан ижтимоий натижага айланмоқда.

► (Давоми 3-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ЯЛПИ МАЖЛИС: ТАРАҚҚИЁТ МУКАММАЛ ҚОНУНЛАРДАН БОШЛАНАДИ



Одатдагидек, кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг йиғилишини кузатдик. Анъанавий тарзда кун тартибидан ўрин олган масалалар кетма-кетлик асосида кўриб чиқиладиган бўлади.

Мажлисда депутатлар фаоллик билан сўз сўрайди, фикр айтади, изоҳ талаб қилади ёки эътироз билдиради.

Бу галги ялпи мажлис ҳам қизгин баҳслар асосида ўтди, тақлифлар, эркин мулоҳазалар билдирилди, ўрни келганда тортишувлар ҳам бўлди...

► (Давоми 2-бетда)

ТИНЧЛИК — ИНСОНИЯТ УЧУН ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Замонавий дунё геосиёсий кескинликнинг кучайиши, узоқ давом этадиган можаролар ва гуманитар инқирозлар билан тавсифланган мураккаб босқични бошдан кечирмоқда. Бундай шароитда мулоқот, мурося ва тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўла оладиган давлатлар алоҳида қадр-қимматга эга бўлади.

► (Давоми 3-бетда)

МУЛОҲАЗА

Тиббий маданият ФЕНОМЕНИ ҚАЧОН БУНГА ЖИДДИЙ ҚАРАЙМИЗ?



Саломатлик инсон учун нақадар бебаҳо бойлик эканини биламиз-у лекин бу неъматнинг қадрини токи жонимиз оғримагунча ҳис этмаймиз. Кундалик юмушлар, қора қозонни қайнатиш ташвиши, бирин-кетин бўй етаётган фарзандларни ўқитиш, тўй-маъракаларни бировдан кам қилмай ўтказиш каби ҳаётимизга чуқур сингиб кетган, қайсидир маънода менталитетимизнинг бир қисмига айланган тўғулларимиздан ортиб, йилда лоақал бир бор тиббий кўрикдан ўтишга қунт ва фурсат топмаймиз. Қачонки танада мадор қолмай, емак-ичмак иштиёқи тўхтасагина, дардга дармон излаб шифохона эшигини қоқиш, йиллар давомида йиққан-терганини тузалиш учун сарф этиш жамиятимизда одатий тус олган, десак хато бўлмас.

► (Давоми 6-бетда)



Болалар контенти: ТАЪСИР, ХАВФ ВА ИМКОНИЯТЛАР

Боланинг онги ҳам, қалби ҳам оппоқ қоғозга ўхшайди. У нимани кўрса, шуни ўрганади, ўзлаштиради. Нима эшитса, уни шундайлигича қабул қилади. Шунинг учун ҳам болалар учун яратиладиган контент уларнинг онгини ривожлантиришга, эзгуликка, инсонийликка йўналтиришга хизмат қилиши керак. Чунки бу келажакни шакллантирувчи муҳим воситадир.

Бугун биз замонавий дунёда яшайпмиз, ахборот технологиялари кундалик ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурди. Ҳаттоки, болалар учун ҳам. Ҳозирги авлод китобдан олдин экранни, ҳикоядан олдин видеони, саволдан олдин кидирувни очади. Смартфон, планшет ва телевизор боланинг кундалик ҳаётининг бир қисмига айланди.

► (Давоми 7-бетда)

ТАРБИЯ ФАҚАТ МАКТАБНИНГ ИШИ ЭМАС



Республика Маънавият ва маърифат маркази “Устозга эҳтиром”, “Фидойи директорлар” номли китобларни чоп этди. Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб ушбу китобларнинг тақдими ўтказилмоқда.

Кўп минг нусхада чоп этилган китоблардан ўрин олган муҳтарам устозларимизнинг ва фидойи мактаб директорларимизнинг ҳар бирининг ҳаёти ҳамда фаолияти билан танишар эканмиз, мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти, дунё миқёсидаги обрўсининг ошиши учун умрини бағишлаган таълим фидойиларига таъзим қиламиз.

► (Давоми 8-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ЯЛПИ МАЖЛИС:

ТАРАҚҚИЁТ МУКАММАЛ
ҚОНУНЛАРДАН БОШЛАНАДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК
ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСГА
ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИЛМОҚДА

Мажлисда дастлаб бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, автотранспорт воситасининг босиб ўтган масофасини кўрсатувчи одометр ускунаси кўрсаткичлари ўзгартирилганлиги ёки одометр ускунаси алмаштирилганлигини била туриб, автотранспорт воситасини реализация қилишдан олдин харидорга бу ҳақда маълум қилмаслик учун жавобгарлик чоралари белгиланяпти.

Шунингдек, вояга етмаганлар иштирокидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларни кўришда педагог ёки психологининг иштирок этиши талаби назарда тутилмоқда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳолатларда педагог ва (ёки) психолог иштирокини таъминлаш маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) зиммасида бўлади.

Бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, адвокат ва қонуний вакилга судья ёки мансабдор шахснинг иштирокини рад қилиш ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси бир ярим йилгача муддатга тайинлаган бўлса, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш тўғрисида илтимоснома киритиш имконияти жазо муддатининг ярами ўтгач, бир ярим йилдан уч йилгача муддатга тайинланган бўлса, учдан икки қисми ўтгач тақдим этилиши ўз аксини топмоқда.

Шу билан бирга, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш ҳуқуқи қўлланилмайдиган шахслар тоифаси ҳам белгиланмоқда. Ушбу қоидаларнинг жорий этилиши қонунчиликдаги ноаниқликлар ҳамда коррупцияга шароит яратувчи нормаларнинг бартараф этилишига имконият яратиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН
ЛОЙИҲАСИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тузилмаси ҳамда давлат фуқаролик хизмати тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасида ҳам қатор муҳим нормалар акс этмоқда. Хусусан, божхона, ички ишлар, прокуратура, Миллий гвардия ходимлари ва судьялар Администрация раҳбари фармойиши билан бошқа давлат органларига ёки уларнинг тасарруфидagi ташиқлотларга бошқарув ходими лавозимларига ўтганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ, уларнинг кадрлар захирасига киритилиши мумкинлиги ёки хизмат стажининг ҳисобга олиниши билан боғлиқ нормалар назарда тутиляпти.

Шунингдек, давлат хизматига илк бор қабул қилинган ходимлар билан меҳнат шартномаси дастлаб бир йил муддатга тузилиши, “Давлат хизматига кириш” махсус курсларини ва малака ошириш курсларини ўташи ҳамда инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатлар фақатгина “hrgm.argos.uz” платформасида шакллантирилиши белгиланмоқда.

Масъул қўмитанинг маълум қилишича, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ аъзолари ва депутатлар таклифлари асосида такомиллаштирилган.



Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

АТРОФ-МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мажлисда депутатлар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишди.

Лойиҳа билан “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, дарё ўзанларида норуда материаллари ноқонуний қазиб олиш, сув ресурсларини ифлослантириш, дарахт ва буталарни ғайриқонуний кесиш ёки йўқ қилиш, ифлослантирувчи моддаларни белгиланган меъёрдан ортиқ миқдорда атмосфера ҳавосига чиқариш, қурилиш майдонларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этмаслик, шунингдек, ёқиш учун мўлжалланмаган жойларда ёки қурилмаларда ёқилғи, моддалар ва чиқиндиларни ёқиш ҳолатлари учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар жорий этилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, иссиқхоналарда, ишлаб чиқариш биноларида ёки ёндириш ускуналарига шиналар, битум, мазут, плёнка, синтетик картон, резина, жун толаси ва шунга ўхшаш зарарли компонентларни ўз ичига олган чиқиндиларни ёқиш ҳам маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонун лойиҳасида саноат ва бошқа турдаги чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ёки реализация қилиш жараёнларида табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик учун ҳам молиявий санкциялар қўлланиши назарда тутилган.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ЖАБРЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА
БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ
КАФОЛАТЛАР

Мажлисда бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига боланинг энг устун манфаатлари тушунчасини киритиш таклиф этилмоқда. Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизимидаги ташиқлотларга тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳамда уларнинг вояга етмаган болаларининг манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан ариза, шикоят ва даъволар тақдим этиш, суд мажлисларида қатнашиш ваколатларини бериш назарда тутиляпти.

Бундан ташқари, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар махсус маркасларга жойлаштирилганда уларга бир

““

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ
ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ
ТАЗЙИҚ ВА
ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБР
КЎРГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР
ҲАМДА УЛАРНИНГ
ВОЯГА ЕТМАГАН
ФАРЗАНДЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИНИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ЯНАДА
МУСТАҲКАМЛАШГА,
БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ
СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ
ҚОНУНЧИЛИКНИ
ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРГА
УЙҒУНЛАШТИРИШГА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

ойгача бўлган муддатга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бериш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро стандартларга уйғунлаштиришга хизмат қиладди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ЯРИМ ТАЙЁР ЗАРГАРЛИК
БУЮМЛАРИНИ ЭКСПОРТ
ҚИЛИШГА ОИД ҚОНУН
ЛОЙИҲАСИ

Мажлисда ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан эса қимматбаҳо металллардан ясалган ярим тайёр заргарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг ҳулосасини олиш назарда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида масъул қўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилгани, жумладан, депутатлар таклифлари асосида лойиҳага тегишли ўзгартишлар киритилиб, айрим нормалар амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилгани қайд этилди.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштириш, маҳаллий заргарлик саноатини ривожлантириш ҳамда қонуний фаолият олиб бораётган маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қиладди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

АЙРИМ НОРМАЛАР БЕКОР
ҚИЛИНМОҚДА

Мажлисда “Қонунчилик базаси тизимлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормаларнинг ўзаро боғлиқлиги, тизимлилиги ва уйғунлигини таъминлаш ҳамда улардаги ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни кучини йўқотган деб топиш, мазмунан бир-бирини такрорловчи қоидаларни, коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш орқали ихчам ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунчилик тизимини шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур тизимли ишларнинг мантикий давоми сифатида қонун лойиҳаси билан бир қатор бугунги кунга қадар амалда сақланиб келган, бироқ ўз аҳамиятини йўқотган қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонунчилик базасини ихчамлаштиришга, фуқаролар ва тадбиркорлар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланишни қулайлаштиришга хизмат қиладди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ИОРДАНИЯ БИЛАН ҲУҚУҚИЙ
ҲАМКОРЛИККА ОИД БИТИМ
КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Битимни (Самарқанд шаҳри, 2025 йил 26 август) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва конструктив мулоқот тамойилларига асосланиб, халқаро ҳамда минтақавий масалалар юзасидан яқин ҳамкорликни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда терроризм, экстремизм, иқтисодий жиноятлар ва уюшган жиноятчиликнинг турли кўринишларидан келиб чиқадиган хавф-хатарларнинг ортиб бораётгани давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва мазкур соҳадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жиноятчиликка қарши курашишда давлатлараро ҳуқуқий ёрдамни йўлга қўйиш ва уни тизимли равишда амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бу борада ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ўртасида ушлаб бериш масалалари бўйича шартномавий-ҳуқуқий асос мавжуд эмас. Бу эса икки томонлама ҳамкорлик имкониятларини муайян даражада чеклаб келган.

Мазкур Битим муқаддима ҳамда 23 та моддадан иборат. Унда жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки уларга нисбатан чиқарилган ҳукми ижро этиш мақсадида ушлаб беришнинг тартиби, асослари ва шартлари белгилаб қўйилган.

Битимнинг кучга кириши натижасида Ўзбекистон ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасида жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш самарадорлиги ошади. Шунингдек, жиноят содир этган шахсларнинг жазодан қочиб қутулишига йўл қўймаслик, яъни, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга хизмат қиладди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ НАТИЖАСИ БАНДЛИКДИР



Анвархон НУРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, Президентимиз томонидан билдирилган танқидий фикрлар ижро интизоми, маъсулият ва маҳаллада ишлаш сифати масалалари ҳануз долзарб эканини кўрсатди. Айниқса, “маҳалла еттилик”и, ҳокимлар ва банк тизими фаолиятида натижа учун шахсий жавобгарлиكنи кучайтириш талаби жуда ўринлидир. Чунки ислохотнинг самараси айнан маҳаллада — ишсиз фуқаро ва камбағал оила қолдими-йўқми, шу ерда намоён бўлади.

2026 йилнинг “Махаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши давлат сиёсатининг марказига махаллани қўётганининг амалий ифодасидир. 70 та “оғир” туман ва мингта “оғир” маҳаллага асосий ресурсларни йўналтириш, инфратузилмани яхшилаш учун салмоқли маблағ ажратиш орқали камбағалликни яна 3 фоизга қисқартириш мақсади аниқ ва ҳисоб-қитобли режага таянади.

Айниқса, ҳудудларни “солиштирма устунлик” асосида ривожлантириш, саноат зоналари ва кластерлар ташкил этиш, маҳаллалар ихтисослашувини

чуқурлаштириш иш ўрни яратишнинг энг барқарор ва узоқ мuddатли ечимидир. Қуёш электр станцияларини маҳallаларга актив сифатида бeриш, “яшил” даромд орқали ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ташаббуси эса иқтисодий самара билан бирга экологик барқарорлиқни ҳам таъминлайди.

Бандлик даражасини ошириш парламент назоратини янада кучайтиришни таъозо этади. Хусусан, ажратилётган катта маблағларнинг манзили сарфланиши бўйича ҳукуматнинг парламент олдида, ҳокимликларнинг маҳаллий Кенгашлар олдида ҳисобдорлигини амалда таъминлаш ҳар биримиздан қатъият талаб қилади. Халқ вакиллари сифатида ҳар бир охλοқотнинг маҳаллада қандай ўзгариш берганини сўрашимиз, таҳлил қилиб, жамоатчиликка очиқ етказишимиз шарт. Айниқса, Халқ демократик партияси учун камбағалликни қисқартириш, бандлик ва иш ўринлари каби ҳаётий масалалар ўта долзарб аҳамиятага эга.

Хулоса қилиб айтганда, видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижтимоий давлат тамойилларига тўла мос бўлиб, “давлат — инсон учун” ғоясини маҳаллада ҳаётга татбиқ этишга қаратилган.

Энди асосий масала — қарорлар қоғозда қолиб кетмасдан, ҳар бир хонадон ҳаётида реал натижа беришига эришишдир. Бу эса барчамиздан — ижро ҳокимиятидан ҳам, парламентдан ҳам, маҳаллий Кенгашлардан ҳам юқори масъулият ва ҳамжиҳатликни талаб қилади.



ТИНЧЛИК — ИНСОНИЯТ УЧУН ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



Ирина ТОКАРЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг Швейцарияга амалий ташрифи ва Тинчлик кенгаши Низомини имзолаш маросимидagi иштироки мамлакат ташқи сиёсий ҳаётида муҳим воқеалардан бири бўлиб, Ўзбекистоннинг халқро майдондаги фаол, масъулиятли ва тинчликсевар позициясини ана бир қарра яққол кўрсатди. Ушбу ташриф глобал барқарорликни мустаҳкамлаш, кўп томонлама ҳамкорликини ривожлантириш ва халқро хавфсизлик манфаатларига жавоб берадиган ташаббусларни илгари суришга қаратилган сиёсатнинг изчиллигини акс эттирди.

Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгаши
Низомини имзолашда унинг

“

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК
 БАҲҚАРОР РИВОЖЛАНИШ
 ИМКОНИАТЛАРИ БИЛАН
 БЕВОСИТА БОҒЛИҚ БЎЛИБ,
 ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ИЧКИ
 ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ
 ИСЛОҲОТЛАРНИ САМАРАЛИ
 АМАЛГА ОШИРИШ, АҲОЛИ
 ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ
 ЮКСАЛТИРИШ ВА
 МАМЛАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
 МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН
 ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР
 ЯРАТАДИ.

таъсисчиларидан бири сифатида иштирок
этиши мамлакатимиз глобал жараёнлардан
четда қолмаётгани, янада барқарор ва
хавфсиз халқаро тизимни шакллантиришга
амалий ҳисса қўшишга тайёр эканидан
далолат берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, хавфсизлик ва мудофаа масалалари қўмитаси вакили сифатида шуни таъкидлашни муҳим деб биламанки, бундай қадамлар Ўзбекистон парламенти олдига ҳам қатор муҳим вазифаларни қўймоқда.

Гап парламент дипломатиясини ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда.

Халқаро ҳамкорлик барқарор
ривожланиш имкониятлари билан
бевосита боғлиқ бўлиб, фаол таъки
ички ижтимоий-иқтисодий ислохотларни
самарали амалга ошириш, аҳоли турмуш
даражасини юксалтириш ва мамлакат
хафсизлигини мустаҳкамлаш учун
қўшимча шарт-шароитлар яратилади.

Парламент бу борада фаол роль ўйнади, ташқи сиёсий йўлнинг миллий манфаатлар билан ўйғунлигини кафолатлаши, халқро шарномааларнинг амалга оширилиши устидан назоратни қўлайтириши, халқро хавфсизлиқнинг муҳим масалалари бўйича давлатнинг ягона позициясини шакллантиришга қўмаклашиши лозим. Тинчлик ва барқарорликка қаратилган ташаббусларни қўнунчилик йўли билан қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг суверенитети ва халқро нуфузини мустаққамлашнинг ҳал қилувчи омилдир.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тинчлик кенгаши Низомини имзолашдаги иштироки мамлакат ташқи сиёсати ривожига муҳим босқич бўлди. Бу қадам Ўзбекистоннинг глобал жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишга, ўзгарувчан дунёда тинчлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат ғояларини изчил илгари сурishга, миллий манфаатларни ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга интилишини яққол намойён этди.

ИСЛОҲОТ

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ – МАҚСАДЛАР УЧУН



**Қобил ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
масалалар қўмитаси раиси
ўринбосари.**

бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши қайд этилган.

Ўз навбатида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ҳокимлар тақдимномасига асосан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, тегишли бюджетлар лойиҳасини тасдиқлаш, бюджетларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек, бюджет ижроси кўрсаткичлари ҳисобларини қўриб туриш ваколатларига эга.

Маҳаллий бюджет
ваколатларининг кенгайиши
хусусида гапирганда, бу борада
туман ва шаҳар бюджетларининг
харажатларини босқичма-босқич
ўз даромадлари ва ички манбалар
ҳисобидан қоллашга қаратилган
муҳим ислохотлар амалга
оширилаётганини таъкидлаш
жоиз. Шу билан бирга, 2025
йил 26 декабрда Президентнинг
“Маҳаллий бюджетлар ва бюджет
ташкилотларининг молиявий
барқарорлигини ошириш, бюджет
интезимини кучайтиришга
доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги қарори ҳудудларнинг
молиявий мустақиллигини
таъминлашда яна бир қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг
“Маҳаллий давлат ҳокимияти
тўғрисида”ги қонунида туман
ва шаҳар ҳокими тегишли
халқ депутатлари Кенгашига
ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий
жиҳатдан ривожлантиришнинг
асосий йўналишларини, тегишли
бюджетнинг лойиҳасини ва

ошириш, маҳаллий ижро этувчи органлар раҳбарларининг ваколатларини кенгайтириш, бюджет интизомига rioя этилишини кучайтириш ҳамда аҳоли учун узлуксиз ва барқарор коммунал хизматларни кафолатлашда маҳаллий ҳокимликлар масъулиятини кучайтириш мақсадлари кўзда тутилмоқда.

Маҳаллий бюджет
даромадларини ошириш мақсадида
қарор билан ҳудудларга қўшилган
қиймат солиғидан Тошкент
шаҳрига 5 фоизи ва қолган
ҳудудларга 20 фоиз ўтказилади
(66 та ўта йирик солиқ тўловчи
ва 35 та банклар, жами 101
та субъектлар томонидан
тўланадиган солиқлардан
ташқари). Бунинг натижасида
2026 йилда маҳаллий бюджетларга
4,3 трлн сўм қўшилган қиймат
солиғи қолдирилади.

Эндиликда маҳаллий бюджетларга келиб тушадиган қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, давлат божи, жарима ва йиғимлардан тушумларнинг камида 50 фоизи туман бюджетларига ўтказилади (йири солиқ тўловчилар ҳамда донор туманлар бундан мустасно).

Республика бўйича 208 та туман ва шаҳар бюджети мавжуд бўлса, 2020-2024 йиллар давомида фақатгина 18 та туман ўзини ўзи қоплай олган, қолган 190 та туман ва шаҳарлар юқори бюджетдан трансферт олар эди. Тизимли ислохотлар натижасида охириги икки йил ичида жами

150 та туман бюджети ўзини ўзи қоплаш тизимига ўтказилди.

Юқоридаги қарор билан маҳаллий бюджетларга берилган имкониятлар натижасида бўлунги кундаги 58 та трансферт олувчи туманда даромадлар 45 фоизга ошади ҳамда уларнинг сони 39 тага камайиб, қолган 19 таси ҳам йил якуни билан дотациядан чиқарилиши прогност қилинмоқда.

Маҳаллий бюджет қўшимча манбаларини яратиш мақсадида ҳам устувор вазифалар белгилан берилган. Олдинги йилларда прогностдан ошиқча бажарилган қўшимчинг қўшилган қиймат солиғи бўйича 60 фоизи (фақат Қорақалпоғистон Республикасида 100 фоизи), фойда ва даромад солиғининг 100 фоизи вилоят бюджетига йўналтирилиб, туманлар бюджетига ўтказилмас эди. Эндиликда ушбу қўшимча тушумларнинг 50 фоизи вилоят бюджетига ва 50 фоизи аҳолиси улушига қараб туман бюджетларига тақсимланади.

Хусусан, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиб келинаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини сотишдан тушумларнинг 25 фоизини туманд қолдириш белгиланмоқда. Бунинг натижасида Самарқанд вилояти туманларига 7,1 млрд сўм ва Тошкент шаҳри туманларига 384, млрд сўм ўтади.

Шунингдек, деҳқон
бозорлари, ихтисослаштирилган
ва буюм бозорларидан

Республика бюджетига тушган солиқлари туманларга ўтказиш ҳамда мазкур маблағлари бозорлар инфратузилмасини ривожлантириш учун қўшимча мабла сифатида йўналтириш масаласига эътибор қаратилгани айтин мудоаодир. Ҳисоб-китобларга таъйин айтиш мумкинки, ушбу тадбир самарасида туманларда 180 млрд сўм қўшимча мабла шаклланади. Бозорлар даромадини канча кўпайтирса, қўшимча мабла ҳам шунча кўп бўлади. Умумий ҳисобда туманларда қўшимча мабзалар микдори 1,7 трлн сўмга ошади.

Яна бир муҳим жиҳат. Маҳаллий бюджетлар мустақиллиги ва самарадорлигини ошириш учун халқаро молия инситутлари, халқаро консултиватив компанияларни жалб қилган ҳолда 2026 йил 1 сентябрга қадар "Маҳаллий бюджетларни ислоҳ қилиш стратегияси"ни ишлаб чиқиш режалаштирилган. Стратегияда даромад ва харажатларни ҳокимлик зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятларга кўра белгилаш, даромадди келгуси уч йилда 2 бараварга ошириш ҳамда қўшимча манбаларни кўпайтириш нәзарда тутилди.

Маълумот учун, 2020 йилда маҳаллий бюджетларда қўшимча манбалар ҳисобидан 3,7 трлн сўм маблағ шаклландан бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 10,3 трлн сўмга етди. Бу беш йил ичида қарийб уч баробарга яқин ўсиш демакдир.

Маҳаллий бюджетлар ва уларда шаклланаётган қўшимча маблағларнинг тўлиқ ҳудуд ихтиёрида қолиши маҳаллий ҳокимиятлар ва маҳаллий Кенгашлар учун катта имкониятлар яратиб бериш билан бир қаторда жойларда одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юқори ташкилотларга олиб чиқмасдан, ҳудуднинг ўзида ва қисқа вақтда ҳал этиш имконини беради.

СЎЗ – МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИГА

КУЧЛИ КЕНГАШЛАР
ШАКЛЛАНМОҚДА

Давлат бошқарувини демократик нуқтаи назардан ислоҳ этиш ҳеч қачон осон кечмаган. Мухими, бу йўлда тўхтаб қолиш эмас, ҳар доим ўзгаришлар, янгиланишлар томон юриш зарур.

Кейинги йилларда маҳаллий давлат бошқарувини демократлаштириш, ҳудудлар тақдири билан боғлиқ қарорларни бир киши эмас, кўпнинг фикри билан қабул қилиш бўйича анча натижаларга эришилди. Халқ депутатлари Кенгашлари ҳозир энг муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилишда кўплаб ваколатларга эга бўлди. Бу Кенгашларнинг салоҳияти, масъулияти ошишига замин яратди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатномасида давлат сиёсатида маҳаллий даражанинг ўрни қанчалик муҳим экани яна бир бор очиқ ва аниқ кўрсатилди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, маҳаллий Кенгашлар катта куч ва салоҳиятга эга. Улар бевосита аҳоли орасида фаолият юритгани учун одамларнинг иссиқ-совуғидан яхши хабардор бўлишади.

Айниқса, 2026 йилга “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб ном берилгани ислохотларни фақат марказий бошқарув орқали эмас, балки жойларда маҳалла институти ва маҳаллий вакиллик органлари иштирокида чуқурлаштириш кун тартибида турган энг муҳим масала эканини яққол исботлади.

Хўш, ана шундай муҳим шароитда партиямизнинг маҳаллий Кенгашлардаги фаоллари ва депутатларимиз нималар ҳақида ўйлаяпти? Бугун ислохотларнинг марказий бўғинига айланган маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш бўйича қандай амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда?

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизга ана шу саволлар билан мурожаат қилдик.



Илҳом ОТАБОВЕВ, Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

– Кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришининг энг муҳим омилларидан бири бу, албатта, маҳаллий Кенгашларни кучайтиришдан иборат. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Агар маҳаллий Кенгаш кучаймаса, ислохотлар натижаси кўринмайди.

Шунинг учун бугунга келиб ҳудудларга алоқадор кўплаб масалаларни ҳал қилишда ва ҳар қандай муаммога ечим топишда депутатларнинг ўрни ҳамда мавқеи ошди, ваколати кенгайди.

Масалан, охириги йилларда маҳаллий Кенгашлар фаолиятига оид 300 дан ортиқ функциялар мақбуллаштирилди. Жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этиш, халқнинг бевосита ихтиёри асосида қарор қабул қилиш талаб этиладиган жами 33 та ваколат маҳаллий Кенгашларга ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, халқ депутатлари Кенгашлари жойлардаги муаммоларни ҳал қиладиган асосий бўғинга айланди. Муаммоларни ҳал қиладиган асосий бўғин, деганда катта мазмун қамраб олинапти.

Айтайлик, маҳаллий Кенгашларда бундан кейин мажлис ва сессия ўтказилса, ижро ҳокимияти органлари ҳисоботини эшитсак, барчасида реал натижа керак. Камчиликлар сохта ҳисоботлар ортига яширинмаслиги лозим. Бу масалада депутатларнинг ҳам ўзига, ҳам ҳокимиятга муносабати бутунлай ўзгариши талаб этилади. Бу ўзгариш уларнинг ҳокимият Кенгашдан алоҳида орган ва ҳисобдор эканини ҳис қилишдан бошланади. Тўғри, бу осонлик билан бўладиган жараён эмас.

Мурожаатномада таъкидлаб ўтилганидек, конституциявий ислохотларимиз доирасида вилоят ҳокимлари ва маҳаллий кенгашлар раислари лавозимлари бир-биридан ажратилган эди. Энди бу тизим 2026 йил 1 январдан 208 та туман ва шаҳарда ҳам йўлга қўйилади. Айни пайтда ушбу

жиддий сиёсий ислохот – ҳокимлар ва ижро идораларидан Кенгашларга муносабатни мутлақо ўзгартиришни талаб қилади.

Бу, албатта, маҳаллий Кенгашларнинг институционал мустақиллигини янада мустаҳкамлашга йўл очади. Шунингдек, ижро ва вакиллик органлари фаолиятида шаффофлик таъминланиши, улар ўртасида соғлом рақобат қарор топишига хизмат қилиши билан бир қаторда, маҳаллий Кенгашларга ҳам катта масъулият юклайди. Чунки бугунги депутатлар нафақат ҳисоботни эшитиб, қўл кўтариб тасдиқлаши, балки уни таҳлил қила билиши, жамиятдаги сиёсий жараёнлардан бохабар бўлиши ва бевосита ислохотлар иштирокчисига айланиши шарт.

Мурожаатномада келтирилган долзарб масалалар бизни янада чуқур ўйлашга ва келгусидаги вазифаларимизни қайта кўриб чиқишга асос бўлди.

Хусусан, халқимизнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларни рози қилиш, инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ, деган эзгу ғояни изчил давом эттириш орқали дуч келинаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, ҳал қилишга кўмаклашишда маҳаллий Кенгаш депутатларидан ташаббускорлик, жонбозлик ва эътибор талаб этилади.

Сессияларда, доимий комиссияларда масалалар муҳокама этилгани яхши, албатта. Биринчидан, улар чуқур ўрганилади, таҳлил этилади. Қолаверса, йўл қўйилган камчиликларга мутасаддиларнинг эътибори қаратилади. Аммо бу биринчи босқичдаги жараёнлар.

Мухими, сессия қарорлари ижроси назорати қандай бўлади, белгиланган чора-тадбирлар тўлиқ амалга ошириладими? Камчиликлар таҳлил этилган ҳолда қоғозларда қолиб кетавериши керак эмас. Уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши, натижа бўлиши керак.

Хўш, биз натижаларни қандай аниқлаймиз? Жойларда ўтказиладиган партия фаоллари, депутатлар иштирокидаги учрашувлар, мулоқотлар жараёнида аҳолининг фикрлари, мурожаатлари ўрганилади. Кўрилган масалалар бўйича қайта ўрганиш олиб борилади, сусткашликка йўл қўйилаётган масалалар ижроси жадаллаштирилади.

“

ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАСИГА УСТУВОР ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲИСОБДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ НАЗОРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНМОҚДА.



Бахтиёр ТАШЕВ, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

– Юртимизда ҳудудларни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини, турмуш сифатини ошириш, инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш дастурларининг ижросида маҳаллий Кенгашларнинг ўрни ҳамда роли муҳим. Бинобарин, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз ҳудудидаги мавжуд имкониятларни, одамларни ўйлантираётган муаммо ва камчиликларни, керак бўлса, ижро этувчи ҳокимият идораларидаги бюрократик тўсиқлар-у сансалорликларни жуда яхши билади. “Инсон қадрни учун” тамойилига йўғрилган ислохотларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда улар катта куч ва салоҳиятга эга.

Шу нуқтаи назардан сўнги йилларда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг давлат бошқарувидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш масаласига устувор эътибор қаратилмоқда. Давлат органларининг ҳисобдорлигини ошириш, вакиллик органларининг назоратини мустаҳкамлаш бўйича таъсирчан механизмлар жорий қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янги модель – “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида ислоҳ қилиш бош мақсад қилиб қўйилди.

Чиндан ҳам, бугунги кунда маҳаллий Кенгашлар фаолиятида том маънода янги даврни кузатмоқдамиз. 2024 йилда ўтган парламент сайловлари якунига кўра, маҳаллий Кенгашлар таркиби қарийб 60 фоизга янгилангани, Кенгашларда аёл депутатлар улуши 32 фоизга етиб, 30 ёшгача бўлган халқ вакиллари сони 3,5 карра ошгани улар ишида сифат ўзгаришларига туртки бермоғи табиий.

Президент Мурожаатномасида депутатлар фаолиятига алоҳида урғу берилди. Депутат сўровларининг бажарилиши ҳар чоракда тизимли равишда таҳлил қилиниши ва бу жараёнга аниқ институционал механизмларни жорий этиш маҳаллий Кенгашларнинг назорат ваколатлари янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Бу эса маҳаллий вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги аҳамияти ва таъсирини янада кучайтиради. Ушбу ёндашув маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ҳам назарий, ҳам амалий пойдеворини белгилаб бермоқда.

Мурожаатномада кўрсатилган устувор йўналишлар маҳаллий Кенгашлар учун кенг имкониятлар яратади. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини кучайтириш, туман ва шаҳарлар миқёсида молиявий ресурсларни кенгайтириш, шунингдек, лойиҳавий бошқарув усулларини жорий этиш каби чора-тадбирлар маҳаллий Кенгашларни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантиришга хизмат қилади.

Депутатлик фаолиятимиздан биламизки, оддий одамларни қийнаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишда кўпинча маблағ масаласи “оёққа тушов” бўларди. Маҳаллий бюджет харажатларини

шакллантиришда эндиликда депутатларнинг ҳам таклиф-ташаббуси инobatга олиниши кўнглигимиздаги иш бўлди. Масалан, вилоятимизнинг олис Томди тумани Кенгаши депутатлари аҳоли мурожаатлари асосида бир нечта овулга ичимлик суви тармоғини тортишни таклиф қилса, маҳаллий бюджет лойиҳасида шу йўналиш учун ҳам зарурий маблағ ажратилади. Яъни, маҳаллий аҳолини қийнаётган бир муаммо айнан депутатлар иштирокида тезкор ечим топади.

Бу маҳаллий Кенгашлар депутатларига катта ишонч бўлиши билан бир қаторда, уларнинг зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Ушбу вазифани муваффақият билан бажарган депутат сайловчилар ишончига киради, содда қилиб айтганда “Халқ вакили” деган номни оқлайди.

Энг муҳими, бу ўзгаришлар фақат тизимни янгилашга эмас, балки аҳолининг кундалик ҳаёти сифатини яхшилашга хизмат қиляётгани билан аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, биз ҳам маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиб бориш, маҳаллий бюджет ижросига масъулият билан ёндашиш, ҳар бир туман ва шаҳарда камбағалликни қисқартириш бўйича ишлаб чиқиладиган манзилли дастурнинг ижроси бўйича назорат ишларини янада кучайтириш бўйича чоралар белгиладик.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” бўйича чора-тадбирлар дастурларининг ижросига янада жиддий эътибор қаратишни режалаштирдик.

Тўғри, ўтган давр мобайнида бу йўналишда ҳам жим, қўл қовуштириб ўтирилмади. 2025 йил давомида халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши сессияларида 11 та масала, доимий комиссияларда ва депутатлик гуруҳимизда қатор масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан эса 72 та масала партия гуруҳларида, 64 та масала доимий комиссия йиғилишларида ва 64 та масала сессияларда муҳокама этилиб, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган.

Очиғини айтганда, бугун маҳаллий Кенгашлар илгарига қараганда анча фаоллашган. Кенгашларда бир қатор долзарб масалалар бўйича ҳисоботлар тингланмоқда, қарорлар муҳокама учун тақдим этилмоқда. Йиғилишлар анча мунозарали, савол-жавоблар билан қизгин кечади.

Ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар ижросини самарали назорат қилиш ҳамда маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида вилоятдаги барча депутатлар маҳаллаларга бириктирилган. “Маҳалла еттилиги” билан биргаликда қабуллар ташкил этилиб, аҳолининг муаммоли масалалари ешитилмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар қабуллари, маҳаллалар фаолиятини ва дастурларга киритилган лойиҳаларни ўрганиш натижасида аниқланган муаммоларни “Маҳалла еттилиги” билан биргаликда ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Жамият ҳаётида амалга оширилаётган бундай муҳим ўзгаришлар ҳар биримизнинг турмуш тарзимизга чуқур кириб бориб, мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштиришдек олий мақсадлар сари барчамизни яқдилликка чорлаётган кучга айланмоқда.

Фикрлардан кўриниб турибдики, Президент Мурожаатномаси маҳаллий Кенгашлар Фаолияти учун йўл харитаси, дастурий ҳужжат сифатида муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, ислохотлар сиёсатида инсон, маҳалла ва ҳудуд манфаатлари устувор ўринга қўйилди.

Бугунги кунда маҳаллий Кенгашлар давлат сиёсатининг амалдаги натижаларини намоён этувчи асосий майдон сифатида шаклланиб бормоқда. Бу эса Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим таянч омилларидан бири сифатида ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА



Саломат КАМИЛОВА, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари ўринбосари.

Маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари жойларда Халқ демократик партиясининг электорати манфаатларини ифодалайдиган, ҳимоя қиладиган энг муҳим кучдир. Чунки депутатлик гуруҳлари партия дастурий мақсадларини амалга оширишда катта роль ўйнайди.

Шундан келиб чиқиб, қашқадарёлик депутатлар ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларда депутатлик назоратини тизимли олиб боришмоқда. Ҳозир депутатларимиз анча уйғоқ. Атрофга, жамиятга, сайловчилар ҳаётига дахлдорлик бор уларда. Буни келаётган мурожаатларда, ўрганилаётган масалаларда кўришимиз мумкин. Тахлил қилиб кўрадиган бўлсак, кейинги пайтларда мамлакатимизда ислохотларнинг марказий нуқтасига чиқаётган муҳим соҳаларда депутатлик назорати олиб борилиб, улар сессиялар кун тартибига киритилмоқда.

Жумладан, Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан ўтган йилда сессияларга 11 та масала киритилди.

Ушбу жараёнда депутатларимиз, фаолларимиз муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўз позициясини эркин билдирмоқда ва ҳимоя қилмоқда.

Жумладан, шу йил 19 январь куни партиямиз гуруҳи ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича доимий комиссияси

СЕССИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН МАСАЛА

ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПМОҚДА

йиғилишида вилоятда 2025 йил якунлари бўйича соғлиқни сақлашни ривожлантиришга оид давлат дастурларининг ижроси, касалликлар профилактикаси ҳолати, соғлом турмуш тарзи ва тиббий ислохотларнинг навбатдаги босқичида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 29 ноябрдаги “Тиббиёт муассасаларини фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Низом Қурбоновнинг ҳисоботи эшитилди.

Тиббиёт ривожланса, одамларнинг ҳаётдан розилиги ортади. Касал бўлсак, яқинларимиз оғриб қолса, шифокорга чопамиз. Бир жойдан шифо топсак-ку, хўп-хўп, агар шифохонама-шифохона сарсон бўлсак, мутахассисга учрашиш учун кунлаб, ойлаб навбат қутсак, ундан ёмони йўқ. Соҳага қаратилаётган эътибор ана шундай муаммоларнинг олдини олади, тиббиёт ходимларининг масъулиятини янада ошириш билан бирга, хизмат сифати яхшиланишига сабаб бўлади.

Муҳокама жараёнида таъкидландики, вилоятда бугунги кунда 337 та давлат тиббиёт муассасалари мавжуд. Шундан 53 таси стационар хизмат кўрсатувчи муассасалар бўлиб, бу муассасаларда 9487 та шифо ўринлари бор.

Давлат тиббиёт муассасаларида жами 55 267 нафар тиббиёт ходими бўлса, шундан олий маълумотли шифокорлар 5 427 нафар, ўрта тиббиёт ходимлари 33 706 нафарни ташкил этади.

Республикада биринчи марта вилоятимизнинг Китоб ва Касби туманларида академик В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий маркази

Қашқадарё минтақавий филиали мутахассислари ёрдамида 8 нафар беморда бўйрак трансплантацияси юқори технологияли жарроҳлик амалиёти муваффақиятли бажарилди.

Олис ва чекка ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказган тиббиёт бригадаларига 50 фоиз микдорида устама тўлаш амалиёти йўлга қўйилди. 28 турдаги дори-дармон воситалари Реимбурсация дастури асосида электрон рецепт орқали беморларга бепул берилиши тизими ишга тушди. Оилавий поликлиникалардаги лабораториялар ўрнига, марказий шифохона ҳузурида ягона марказий лаборатория фаолияти йўлга қўйилди.



Лаборатория натижалари “D-Med” электрон тизими орқали оилавий поликлиникаларга етказиб берилиши таъминланди.

Ногиронлиги бор шахслар, ётиб қолган беморлар ва уларнинг яқинларига реабилитация чора-тарбирларини ўргатиш мақсадида Косон, Китоб, Яккабоғ туманлари ва Қарши, Шахрисабз шаҳарларидан 350 нафар оилавий шифокор ва 1169 нафар патронаж ҳамширалар “Уйда реабилитация қилиш” мавзусида ўқитилди.

Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги 337 та тиббиёт муассасаси жойлашув манзиллари электрон платформага киритилди.

Яна бир аҳамиятли томони, тизимда моддий-техник базани мустаҳкамлаш, тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозлашга катта эътибор берилди.

Шу маънода, вилоятимизда тиббиёт соҳасидаги ижобий ўзгариш ва янгиланишларни ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида, турмуш тарзида чуқур ҳис этмоқда.

Шу кунги сессия анча жонли ўтди. Муаммоларни очик-ойдин таҳлил қилдик. Таклиф ва тавсиялар асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Қарорга асосан тегишли ташкилот раҳбарларига соғлиқни сақлаш тизимида эпидемиологик барқарорликни таъминлаш,

аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ва олис ҳудудларда тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар топширилди.

Шунингдек, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қўрилиш ва реконструкция ишларини бажариш, тиббий жиҳозларни янгилаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Соҳа малакали кадрлар билан таъминланиб, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш назорат қилинади ҳамда тиббиёт тизими раҳбарларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги таъминланади.

Ўрганилган муаммоларнинг сессияларда муҳокама этилиши масаланинг илдиизига янада чуқурроқ етиб бориш, уларни бартараф этишга қаратилган таклифларнинг кўпайишига хизмат қилади. Бу кўзга кўринмас тўсиқларнинг олиб ташланишига, мутасаддиларнинг эътибор марказидан четда қолиб кетаётган муаммоларнинг сув юзига қалқиб чиқиб, бартараф этилишига йўл очади. Шу билан бирга депутатлар ва партия ташкилотлари ишини жонлантиришга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

ХОНҚА: ДЕПУТАТ СЎРОВИДАН СЎНГ...



Жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишда депутат сўрови самарали механизм экани яна бир бор ўз исботини топди.

Халқ депутатлари Хонқа туман Кенгаши депутати Феруз Ваисов жорий йилнинг 23 январь куни “Эхтиром” маҳалласи ҳудудидаги “Нурзамин” ва “Низомий” кўчаларининг чорраҳасида тоза ичимлик суви қувури ёрилиб, сув исроф бўлаётгани юзасидан мутасадди ташкилотга депутатлик сўрови юборди.

Унда мазкур ҳолат аҳоли учун жиддий нокулайлик туғдиргани, тоза ичимлик сувидан самарали фойдаланиш масаласи долзарб экани асосли тарзда баён этилиб, аниқ чора кўриш сўралган эди.

Депутат сўровига жавобан



“Хоразм сув таъминоти” акциядорлик жамиятининг Хонқа туман филиали мутахассислари ҳудудга чиқиб, ҳолатни жойида ўргандилар. Олиб борилган техник кўрик ва таъмирлаш ишлари натижасида ичимлик суви қувуридаги носозлик тўлиқ бартараф этилди.

Бугунги кунда “Эхтиром” маҳалласи аҳолиси белгиланган график асосида тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминланмоқда.

Бу ҳолат депутат сўрови қоғозда қолиб кетадиган мурожаат эмас, балки аниқ натижа берувчи таъсирчан восита эканини кўрсатади. Энг муҳими, аҳоли дарди эшитилди, муаммо ечимини топди.

Назокат МАШАРИПОВА, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби.

ЖИЗЗАХ: САМАРАЛИ ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ишончни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Партиямизнинг Жиззах вилояти кенгаши раиси Нуриддин Холматов ҳамда депутатларимиз Пахтакор туманининг “Самарқанд” маҳалласида бўлиб, аҳоли билан очик мулоқот ўтказди.

Учрашувда ҳудуддаги мавжуд муаммолар, аҳолини қийнаб келаётган долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Аҳоли вакиллари томонидан маҳаллада газ таъминоти билан боғлиқ, Ижтимоий ҳимоя реестрида рўйхатда бўлган фуқароларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш, шунингдек, даволаниш ва тиббий ёрдам бўйича мурожаатлар билдирилди.

Мурожаатларнинг айримларига, жумладан, тиббий ёрдам ва даволанишга оид масалаларга мулоқот давомида ечим берилган бўлса, қолган масалалар бўйича масъуллар билан тизимли ишлар олиб боришга келишиб олинди.

Аҳоли билан ўтказиладиган бундай очик мулоқотлар муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга самарали ечим топиш баробарида, ўзаро



ЧИРЧИҚ: НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ЯШАШ ШАРОИТИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси М.Парпиева ҳамда Чирчиқ шаҳар кўзи ожизлар жамияти раиси С.Қосимова ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳар "Инсон" ижтимоий хизматлар бўлимида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида бугунги кунда олиб борилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда уларнинг аҳоли ҳаётидаги аҳамияти юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Давра суҳбатидан сўнг кўзи ожиз ва заиф кўрувчи фуқароларнинг яшаш шароитлари ўрганилди ва уларга уй-рўзгорда ишлатиш учун зарур бўлган техника воситалари совға қилинди.



МУЛОҲАЗА



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун республикаimizдаги исталган ихтисослашган тиббий марказларга бориб кўринг. Турнақатор навбатлар, оғир аҳволда келтирилаётган беморлар оқимининг гувоҳи бўласиз. Шамоллаш, грипп, қизамиқ каби юқумли ва мавсумий касалликлар авж олган паллада-ку, бу ҳолат табиий. Бироқ юрак-қон томир, саратон, сўрункали нафас йўллари, буйрак касалликлари, диабет сингари юқумли бўлмаган хасталикларнинг юртимиз аҳолиси орасида кўпайиб бораётгани таассуфли, албатта.

Тиббий маданият ФЕНОМЕНИ

ҚАЧОН БУНГА ЖИДДИЙ ҚАРАЙМИЗ?

Статистик маълумотлардан аёнки, ўзбекистонликлар энг кўп юрак қон-томир касалликларидан вафот этмоқда.

Устига-устак, давримизга келиб глобал иқлим ўзгаришлари, курғоқчилик, ҳавонинг ифлосланиб бораётгани, носоглом овқатланиш, жисмоний фаолликнинг сустлиги ёхуд ноқулай иш ва гигиеник шароитлар, турли стресслар, кашандалик, ичкиликбозлик иллатлари юқумли бўлмаган касалликларнинг ортиши ва ёшаришига олиб келаётгани ғоятда хавотирли.

Мазкур тенденция ҳар бир давлат ва жамият олдига аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, миллат генофондини асраш билан боғлиқ ўта долзарб вазифаларни қўймоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳам бу соҳада, айтиш мумкинки, жуда катта қамровда ишлар амалга ошириляпти. Ҳар йили давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар ҳажмида ўсиш суръатини кўряпмиз. Хусусан, давлат раҳбарининг парламент ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида инфаркт, инсульт, онкологик, нефрологик каби юқумли бўлмаган касалликларни даволаш ҳамда трансплантация, вакцинация, она-бола саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишларига 2026 йилда ўтган йиллардан 1,5 баробар кўп маблағ ажратилиши таъкидланди.

Сифатли тиббий хизматни халққа яқинлаштириш учун соғлиқни сақлашни трансформация қилиш, соҳада рақамлаштириш ишларини кучайтириш, ташхис қўйиш ва даволашга доир 400 дан ортқ юқори технологик амалиётларни вилоят, туманлар даражасига тушириш, юқори аниқликда ишлайдиган лаборатория марказларини кўпайтириш, соҳа ходимларининг касбий билим ва малакасини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш каби йўналишларда эътирофга арзирли натижалар қайд этилмоқда. Бироқ давлат

томонидан тиббий ислохотлар ҳар қанча ривожлантирилмасин, жамиятимизда тиббий маданият феномени етарлича шаклланмас экан, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олишда бир жойда тепсиниб тураверамиз.

ЖАҲОН СТАТИСТИКАСИДА ҚАНДАЙ?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2025 йилнинг сенябрь ойида эълон қилган ҳисоботида Ер юзида юқумли бўлмаган касалликлар туфайли ўлим кўрсаткичи тобора юқорилаб бораётгани келтирилади. Ҳаттоки коронавирус пандемияси ҳукм сурган пайтда ҳам, анигроғи, 2021 йилда юқумли бўлмаган касалликлар дунё бўйича камида 43 миллион кишининг бевақт оламдан ўтишига сабаб бўлгани ва бу ўлим ҳолатларининг 75 фоизини ташкил қилгани таҳлил этилган.

Халқаро ташкилотга кўра, юқумли бўлмаган касалликлар туфайли ўлим ҳолатларининг 70 фоиздан ортиги паст ва ўрта даромадли мамлакатларда кузатилмоқда. Бу вазият касаллик турлари кесимида ўрганилганида, табиийки, энг катта улуш юрак-қон томир хасталиклари (инфаркт, инсульт)га тўғри келяпти.

“Юқумли бўлмаган хасталиклар билан касалланишнинг бу йўсинда тез ўсаётгани 2030 йилга қадар мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига тўсқинлик қилмоқда. 30 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар орасида юқумли бўлмаган касалликлардан ўлим эҳтимолини учдан бир қисмга камайтириш мақсадига эришиш тобора мушкуллашяпти” дейилади ҳисоботда.

Ташкилот барча давлатларни соғлиқни сақлаш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар учун харажатларни аямаслик баробарида “олтин қоида”ни – мунтазам шифокорлар кўригидан ўтиб туришни аҳолига самарали

етказиш, жамиятда тиббий маданиятни оширишга қақиради.

ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ ҲАМ ОҒРИҚЛИ

Илмий-тадқиқотлар соғлом турмуш кечириш ва узок умр кўришининг 50-55 фоизи инсоннинг ҳаёт тарзига, 20 фоизи атроф-муҳитга, 20 фоизи ирсиятга ва 8-10 фоизи тиббий хизматларга боғлиқ эканини кўрсатади. Демак, узок ва хотиржам яшашнинг асосий шarti – тиббий маданият ҳамда соғлом турмуш тарзи шартларига риоя этишдир.

–Одамларимизда тиббий маданиятни ошириш, айнқсқа, дори-дармонларни шифокор кўригисиз, кўр-кўрона қўллаш ҳолатларига узил-кесил барҳам бериш, соғлом турмуш кўникмаларини 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча аҳоли қатламида шакллантириш борасида олдинга силжиш қилинмаса, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга қаратилаётган эътибор ҳам, ажратилаётган миллиардлаб маблағлар ҳам қутилган натижани бермаслиги маълум, – дейди тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Сурайё Жалилова. – Юксак ривожланган жамиятларда бир йилда ҳар бир киши икки бор тор ихтисосликлар бўйича тиббий кўриқдан ўтиши нормал ҳолат ҳисобланса, афсуски, бизда касалликдан то йиқилиб, ётиб қолмагунча шифокор ҳузурига бормаслик одати йўқолмаяпти. Энг ёмони, оилаларда ота-оналар нафақат ўзи, балки фарзандлари саломатлигига нисбатан ҳам худди шундай муносабатдалар. Тўй-ҳашамат учун вақт ҳам, пул ҳам топади, лекин, дейлик, эрта-индин турмуш қурадиган кизи ёки ўғлининг физиологик ва руҳий саломатлиги қандай, бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Масалан, аёлларимиз ўртасида энг кўп учрайдиган

оғир касалликлардан бири – бачадон бўйни саратони қанча эрта босқичда аниқланса, шунча даволаш имконияти ортади. Бу касалликдан бутунлай тузалиш мумкин. Лекин амалда ҳар йили минглаб аёлларимизга аини хасталик ташхиси қўйилмоқда ва деярли белгиларсиз, яширин кечадиган ушбу касаллик энг охириги босқичга келиб аниқланаётгани ҳамда даволаш ишлари кеч бошланиши туфайли бундан вафот этаётган аёллар сонига ҳам, афсуски, МИНГЛАБ рақамини қўллашга мажбурмиз. Қанчадан-қанча оилаларда фарзандлар онасиз қолаётгани эса янада оғриқли. Демак, бу нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий оқибатлари билан ҳам жиддий муаммодир. Агар опа-сингилларимиз, хусусан, туғиш ёшидаги аёлларимиз бир йилда икки бор шифокор кўригидан ўтиб турса, бачадон бўйни саратонидан ўлим ҳолатларининг юз фоиз олдини олиш мумкин бўлади.

СТРАТЕГИК МАСАЛА

Мамлакатимизда тиббий профилактикага, инчунун, касалликларни эрта аниқлаш чора-тадбирларига жиддий ёндашилаётгани замирида ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитларни яратиш мақсади турибди. “Ўзбекистон–2030” стратегиясининг такомиллаштирилган лойиҳасида ҳам бу йўналишда аниқ вазифалар сурилган. Юрак қон-томир, хавфли ўсма, қандли диабет, сил касалликлари ташхисини 50 фоиз ҳолатда профилактик кўриқларда аниқлаш, юрак қон-томир касалликларидан эрта ўлимни (30-69 ёшлар ўртасида) 27, саратон касаллигидан эрта ўлимни 5,2 фоизгача камайтириш, қандли диабет касаллиги бор беморларни юз фоиз даволаш билан қамраб олиш, 40 ва ундан катта ёшли аҳоли ўртасида артериал гипертония касаллигини эрта аниқлаш

кўрсаткичини 70 фоизга чиқариш шулар жумласидан. Бу эса халқ, миллат саломатлиги Ўзбекистон тараққиётининг стратегик устувор йўналишларидан бири эканини тасдиқлайди.

Мана, яқинда Президентнинг “Ўтқир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши ҳам тиббий профилактика соҳасида яна бир муҳим қадам бўлди.

Қарорга кўра, 2026 йил 1 майдан халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган Инфаркт ва инсультга қарши курашиш миллий дастури юртимиз худудларида босқичма-босқич амалиётга жорий этилади. Мазкур дастур доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ўтқир юрак-қон томир ва цереброваскуляр (мия томирларининг шикастланиши) касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида 30 ёшдан ошган аҳоли ўртасида йилига бир марта мақсадли тиббий текширувлар ўтказиш, туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўтқир қон томир касалликлари марказларида туну кун фаолият юритувчи инфаркт ва инсульт бригадалари фаолиятини йўлга қўйиш, тез тиббий ёрдам бригадаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш имкониятига эга телеметрик электрокардиограф ҳамда мониторинг дефибриляторлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилади.

Дастурда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ҳамда стационар тиббиёт муассасалари томонидан аҳолини мақсадли тиббий текширувлардан ўтказиш билан бир қаторда жамиятда бу бўйича тиббий саводхонликни ошириш масаласига урғу берилгани, юқоридаги фикрлардан келиб чиқсак, ҳаётий заруратдир.

Унутмайлик, ўз саломатлигимиз, оиламиздаги ҳузур-ҳаловат, фарзандларимизнинг соғлом камолга етиши, энг аввало, ўзимизга боғлиқ.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

БУГУННИНГ ГАПИ



ФИРИБГАРЛИККА УЧРАГАН ФУҚАРОЛАРДАН КРЕДИТ УНДИРИШ ТЎХТАТИЛАДИ

Адлия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод (фирибгарлик) ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисидаги низомни давлат рўйхатидан ўтказди.

Низомнинг аҳамияти шундаки, эндиликда юртимизда онлайн кредит олишда фирибгарликка учраган ва жабрланувчи деб топилган фуқаролардан кредитни ундириш тўхтатилади. Шу билан бирга, мобиль иловаларда онлайн фирибгарликка қарши талаблар кучайтирилиб, бир кунда фақат битта банкдан онлайн кредит олишга рухсат этилади.

Янада аниқроқ айтганда, номига онлайн кредит фирибгарлик йўли билан расмийлаштирилган фуқаро сўриштирувчи, торговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига асосан жабрланувчи деб эътироф этилса, мазкур онлайн кредит ва у билан боғлиқ фоизларни ҳисоблаш ҳамда ундан ундириш кредит ташкилоти томонидан тўхтатилади.

Бундан ташқари, кредит ташкилотлари фрод ҳолатига шубҳа қилганда қонунчиликда белгиланган тартибда

шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, агар фуқаро тергов ёки суд қарорида кўзда тутилган тартибда фирибгарлик ҳолати жабрланувчиси сифатида тан олинмаса, кредит ташкилотлари онлайн кредит ҳамда у билан боғлиқ фоизларни ҳисоблаш ва ундиришни давом эттиради.

Кредит ташкилоти онлайн кредит ажратиш жараёнида фрод (фирибгарлик) содир этган шахсдан регресс тартибда етказилган моддий зарарни ундириши мумкин. Бу фирибгарликни исботлаш орқали кредит ташкилоти зарарни амалга оширган шахсдан ундириш имкониятига эга деганидир.

Маълумот учун. 2025 йилда республикаimizда жарима қўллаш ва антифрод чоралари натижасида салкам 347 миллиард сўм миқдоридagi маблағ онлайн кредит шаклида фирибгарлик йўли билан олинишининг олди олинди ва кредит ташкилотлари ҳисобларига қайтарилди.

ЮҚОРИ ПЕНЯ ВА АСОССИЗ ЖАРИМАЛАР АДОЛАТ ТАМОЙИЛИГА ЗИД

Кредит тўловлари кечиктирилган ҳолларда айрим тижорат банклари томонидан кредитнинг дастлабки қийматига ва кредиторнинг ҳақиқий харажатларига мутаносиб бўлмаган фоизлар ҳамда жарималар қўлланмоқда. Бу ҳақида Марказий банкнинг 20 январь кuni тижорат банкларига йўллаган хатида қайд этилган. Регулятор бундай амалиётларни “адолат ва мутаносиблик тамойилларига зид” деб атади.

Марказий банк айрим банklar кредит шартномаси бўйича кечиктирилган тўлов суммаси учун ортққча фоизлар (150-180 фоизгача), каррасига юқори кунлик пеня

ва асоссиз жарималар қўллаётганини маълум қилди. Бу эса банklar кредитни ўз вақтида ундиришдан кўра унинг кечикишидан кўпроқ манфаатдор бўлиб қолаётганини далиллайди.

Бундай амалиётлар томонлар манфаатлари мувозанатини бузиши, ижтимоий хатарларнинг ортиши, фуқаролар мурожаатлари сонининг кўпайиши ва банк тизимига бўлган ишончнинг пасайишига олиб келиши табиий.

Марказий банк мижозлар кредит тўловини кечиктирганда банklar томонидан қўлланиладиган чоралар банк учун “даромад манбаи” эмас, аксинча, компенсацион характерга эга бўлиши кераклигини таъкидлаган ҳамда бу борада қонунчилик талаблари қайта кўриб чиқилишини билдирган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Болалар контенти: таъсир, хавф ва имкониятлар

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шунинг учун болалар контенти қандай бўлиши жуда муҳим. Агар шу контент мазмунли бўлса — бола фикрлайди, ўрганади, орзу қилади. Агар мазмунсиз бўлса — вақт ҳам, тарбия ҳам зое кетади.

Шу маънода болаларимизни бузғунчи ғоялар таъсиридан асраб-авайлаш, миллий ахборот имунитетини шакллантириш, миллий контент яратиш масаласи долзарбдир.

Хўш, бугун болаларимиз кўраётган контентлар нималар ҳақида сўзлаяпти? Миллий руҳдаги контентлар кўпайиши учун қандай ишлар олиб бориляпти? Мақоламизда ана шу саволларга жавоб излаймиз.

БОЛАЛАРИМИЗ ҚАЙСИ ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН УЛҒАЙМОҚДА?

Ҳеч кузатганмисиз, болаларимиз томоша қилаётган видеолархалар ва мультфильмлар орасида Амир Темур, Алпомиш дostonи қаҳрамонлари, Жалолиддин Манғуберди каби миллий қаҳрамонларимизга бағишланган асарлар жуда кам. Болани ортидан эргаштира оладиган, уни қизиқтирадиган ва бир вақтнинг ўзида халқимизнинг қадим аъёналари ҳамда миллий қадриятларини акс эттирадиган мультфильмлар сони, афсуски, бармоқ билан санарли.

Аксариyat ҳолларда болалар чет эл қаҳрамонларига махлиё бўлиб қолмоқда. Бу эса уларнинг онгида ўз тарихимиз ва миллий қаҳрамонларимиз ҳақидаги тасаввурнинг етарли даражада шаклланмаслигига олиб келиши аниқ. Миллий қадриятларга асосланган видеоконтентлар эса болани қизиқтириш билан бирга уларга тарбия ҳам беради.

Умуман олганда, болалар учун миллий руҳдаги, тарбиявий ва мазмунли видеоконтентлар яратишга эҳтиёж жуда катта. Бу нафақат болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, балки уларни ўз илдизларига яқинлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Шу маънода, болалар учун яратилаётган контент масаласига фақат кўнгилочар махсулот сифатида эмас, балки келажак авлод тарбиясининг муҳим қисми сифатида қараш зарур. Чунки бола кимнинг қаҳрамонини севса, кимга ўхшашга ҳаракат қилса, эртанги куни ҳам шу руҳда шаклланади. Агар у асосан чет эл қаҳрамонларини томоша қилиб улғайса, унинг онгида миллий ўзликка нисбатан бефарқлик пайдо бўлиши мумкин.

Миллий қаҳрамонлар контентларда кўрсатилса, бу болалар учун жуда катта тарбиявий кучга эга бўлади. Чунки бизнинг аجدодларимиз жасорат, ватанпарварлик, адолат ва садоқат каби фазилатлари билан дунё халқларини лол қолдирган. Аммо бу масалада эътибор бериш керак бўлган бир жиҳат бор. Ушбу қаҳрамонларимиз болаларга оғир тарихий матнлар орқали эмас, айнан улар тушунадиган, содда, қизиқарли ва замонавий мультфильмлар орқали етказилиши керак.

Бугунги кунда технологиялар



ривожланган, имкониятлар етарли. Лекин, очиги, шу имкониятлардан миллий руҳдаги болалар контентини яратиш учун тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Аксинча, тайёр, осон ва чет элдан кириб келаётган контентларга кўпроқ суянилмоқда. Бу эса вақт ўтиши билан болаларнинг миллий тафаккури ва қадриятларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу боис, болалар учун миллий қадриятларга асосланган мультфильмлар ва видеолархалар яратиш — бу алоҳида бир соҳа, алоҳида эътибор талаб қиладиган масаладир. Бу ишга ижодкорлар, педагоглар, тарихчилар ва ота-оналар биргаликда ёндашса, натижа ҳам самарали бўлади. Энг муҳими, бундай контент болага мажбурийат эмас, қизиқиш уйғотадиган, у ортидан эргашиб кўрадиган даражада жонли бўлиши керак.

ХЎШ, ЯХШИ БОЛАЛАР КОНТЕНТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Азиз УСМОНОВ, психолог:

– Болалар одатда ўзи севган мультфильм қаҳрамонларига ўхшашга ҳаракат қилишади, унга ишонишади. Аммо бугунги контентлар орасида уларнинг тасаввур ва тушунчаларини чалғитиши мумкин бўлган, уларнинг ҳаёлида ижобий, лекин аслида салбий қаҳрамонлар бор.

Шартаки, агрессив, жаҳлдор болалар ана шундай контентлар махсули эмасми? Бу интернетдаги “бўлар-бўлмас” контентлар таъсирига тушиб қолганининг натижаси. Чунки телеканалларда берилаётган, виртуал оламдаги кўп мультфильмларда агрессивлик, нафрат, ёш болаларнинг образлари эрка, танти қилиб кўрсатилляпти.

Шу сабабли сўнгги пайтларда миллий контент яратиш масаласи жамиятда тез-тез кўтариллаётган муҳим мавзулардан бирига айланди. Бу бежиз эмас. Чунки ўзини болаларга “яқин дўст” сифатида кўрсатаётган, аслида эса уларнинг онги ва қалбини эгаллашга, фикрлашига таъсир ўтказишга қаратилган турли ахборот оқимлари тобора кўпайиб бормоқда. Бундай контентлар ёш авлодни миллий маънавиятдан, урф-одат ва қадриятлардан узоқлаштиришга хизмат қиладиганини инобатга олсак, бу масалага бефарқ қарашга

ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг энг катта бойлигимиз бўлган фарзандларимиз хорижий контентларни кўриб, уларга кўр-кўрона тақлид қилишга мажбур бўлмаслиги керак. Улар шарқона руҳга ёт ғоялар йўғрилган махсулотлар билан эмас, балки ўзлигимизни акс эттирадиган, миллий тарбия ва қадриятларга таянган контент билан “озиқланиши” зарур.

Яхши болалар контенти, аввало, ниҳоятда содда бўлиши керак. Мураккаб сўзлар, оғир иборалар болани чарчатади. Бола ўқиб ёки кўриб завқ олиши шарт. Қаҳрамонлар ҳаётий бўлса, бола ўзини уларнинг ўрнида тасаввур қилади.

Иккинчидан, контент тарбиявий бўлиши керак, лекин насихат шаклида эмас. “Бундай қил”, “ундай қилма” деган гаплар болани зериктиради. Аммо оддий ҳикоя, қизиқ воқеа орқали яхшилик, ростгўйлик, меҳр-оқибатни кўрсатиш мумкин.

Учинчидан, болалар контенти умид уйғотиши керак. Бола орзу қилишни ўргансин. “Мен ҳам қила оламан”, “Мен ҳам ета оламан” деган ишонч пайдо бўлсин.

Агар биз болаларга яхши сўз, чиройли ҳикоя, маъноли қаҳрамонлар берсак, жамият ҳам яхши томонга ўзгаради. Чунки бола — бу келажак. Келажак эса бугундан бошланади.

Нодира ШУКУРОВА, ўқитувчи:

– Бола кўрган ҳар бир видео ёки эшитган қўшиқ унинг фикрлашига, хулқига таъсир қилади. Агар контент мазмунли бўлса, бола ҳам яхши нарсаларни ўрганади. Агар мазмунсиз ёки салбий бўлса, бу унинг тарбиясини издан чиқариши мумкин.

Яхши болалар контенти оддий, қизиқарли ва болага яқин бўлади. Масалан, эртақлар орқали бола яхшилик билан ёмонликни ажрата бошлайди, мультфильм қаҳрамонлари эса унга дўстлик, сабр ва меҳрни ўргатади. Қўшиқлар ва ўйинли видеолар эса боланинг хотираси ва нутқини ривожлантиради.

Ҳозир интернетда болалар учун турли хил видеолар жуда кўп. Лекин ҳаммаси ҳам фойдали эмас. Шу сабабли ота-оналар болалар нима кўраётганига бефарқ бўлмаслиги керак. Баъзан бола билан бирга ўтириб мультфильм кўриш ёки у кўрган видеолар ҳақида сўраб туриш жуда фойдали.

Болалар контенти яратаётган инсонлар ҳам катта масъулиятни

ҳис қилишлари керак. Чунки бир оддий видео ҳам боланинг дунёқарашига таъсир қилади. Болалар учун қилинган ҳар бир контент меҳр билан, холис ниятда яратилса, у ўз самарасини беради.

Шу маънода болалар контенти — бу шунчаки вақт ўтказиш воситаси эмас. У боланинг дунёси, орзулари ва келажакнинг бир қисми. Шунинг учун болалар учун яратилаётган ҳар бир контент содда, тоза ва ҳаётий бўлиши керак.

РАҚАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Таҳлилларга кўра, ҳозир болалар, айниқса, шаҳар жойларда болаларнинг тахминан 70–80 фоизи ҳар куни камида 2–3 соатини экран олдида ўтказади. 6–12 ёш орасидаги болалар эса асосан мультфильм, қисқа видео ва ўйин контентини “истеъмол” қилади. Қишлоқ ҳудудларида бу кўрсаткич бироз паст бўлса-да, йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Мутахассислар таъкидлашича, бола 7 ёшигача кўрган ва эшитган маълумотлар дунёқарашининг 60 фоизга яқинини шакллантиради. Демак, болалар контенти — бу фақат ҳозирги вақт эмас, келажак характери ҳамдир.

Шу маънода болалар учун мароқ билан эшитадиган ўзбек тилидаги қўшиқлар, халқимизга хос олижаноблик ва инсонийликни тараннум этувчи мультфильмлар, контентларга эҳтиёжимиз катта. Миллий контент шунинг учун ҳам керак.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР КОНТЕНТИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистонда болалар контентиға эътибор сўнгги йилларда ортиб бораётганини кўриш мумкин. Айрим телеканаллар, студиялар ва ижодкорлар болалар учун мўлжалланган миллий мультфильмлар, қўшиқлар ва кўрсатувлар яратишга ҳаракат қилмоқда. Бу, албатта, қувонарли ҳол.

Ўтган йили давлатимиз раҳбари мактаб таълими сифати ва педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тақдирот билан танишганида ҳам болалар учун

хавфсиз ахборот муҳитини яратиш, миллий контент ҳажмини ошириш ва истеъдодли муаллифларни қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқлар берган эди.

Унда ўқувчиларнинг 80 фоизи интернет ва ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланиши, ҳар қанча ҳимоя чоралари кўрилмасин, болалар учун тарбиявий ва қизиқарли миллий контент яратувчи муаллифлар сони жуда камлиги айтилганди.

Президент қарори билан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги қошида Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилинди.

Марказ болалар тарбияси ва соғлиғига салбий таъсир қиладиган ахборот маконидаги контентни таҳлил қилади. Маҳаллий ижодкорларга миллий контент яратиш бўйича буюртма беради, соҳада кадрлар тайёрлашни ташкил қилади. Қори Ниёзий номидаги институт марказга илмий жиҳатдан кўмаклашади.

Шу билан бирга, бу масалалар фақатгина битта марказнинг иши бўлиб қолмаслиги, масъул барча вазирликлар марказ билан ишларни бошлаши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

БОЛАЛАР УЧУН КОНТЕНТ ЯРАТУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРГА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛДИ

Ўтган йилнинг 15 май куни Президентимизнинг болалар учун мўлжалланган миллий контентлар яратиш ва уларни оммалаштиришни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори имзоланди.

Ҳужжатга асосан, болалар учун мўлжалланган контентлар яратишдан олган даромади жами йиллик даромадининг камида 80 фоизини ташкил этган юридик шахслар 2025 йил 1 июлдан 2030 йил 1 январга қадар бир қатор имтиёзларга эга бўлди. Масалан, улар фойда солиғи тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, улар ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдорида тўлайди. Болалар учун мўлжалланган контентлар яратиш билан боғлиқ бўлган харажатларини фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташлаш ҳуқуқи берилади.

Қарорга кўра, республикада болалар учун мўлжалланган миллий контентлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни оммалаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

— болаларда соғлом турмуш тарзи кўникмаси, табиатни асраб-авайлаш, миллий қадриятларга ҳурмат ва она ватанга садоқат ҳиссини тарбиялашга хизмат қилувчи контентлар яратиш;
— болалар учун хавфсиз ахборот муҳитини яратиш;
— ота-оналар ва болаларни интернет тармоғидаги ахборотларни тўғри баҳолашга ҳамда хавфли контентларни аниқлашга йўналтирувчи механизмларни ишлаб чиқиш.

Болалар учун мўлжалланган контентлар яратиш йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ҳар йили «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан жаҳондаги етакчи олий таълим ташкилотларида бакалаврият дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш учун 5 та квота ажратилади.

Энг асосийси, болалар контентиға вақтинчалик лойиҳа эмас, узоқ муддатли инвестиция сифатида қараш керак. Чунки бугун болага берилган ғоя, қаҳрамон ва образ эртага унинг ҳаётий қарашларида ўз аксини топади. Шу маънода, болалар учун миллий руҳдаги сифатли контент яратиш нафақат ижодий, балки стратегик аҳамиятга эга масаладир.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



► (Давоми. Боши 1-бетда)



Зулфия МҲМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими,
“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти аъзоси.

Президентимиз ўтган йилнинг 8 сентябрь кuni таълим тизимини ислох қилиш масалаларига оид тақдирот билан танишди. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг иқтидори ва интилишларини юзага чиқариш бўйича ягона вертикал тизим жорий этиладиган бўлди. Шу мақсадда “Баркамол авлод” болалар мактаблари негизда “Келажак” марказлари ташкил этилмоқда. Мактаб маслаҳатчиси лавозими жорий қилинмоқда. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида 14 та ҳудудда муҳандислик мактаблари очилмоқда.

2026 йилдан бошлаб, ҳар йили умумтаълим мактаблари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Илғор муҳандислик мактаби” миллий танлови ўтказилиши, педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларининг талабалари учун Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендияси таъсис этилиши соҳанинг порлиқ эртасидан далолат беради.

Таълим ривожини учун мамлакатимизда йилдан-


йилга амалга оширилаётган эзгу ишлар миқёси тарихий тус олмақда. Зеро, юртимиз педагоглари давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва ғамхўрликларга муносиб жавоб бермоқдалар.

Биз – маънавият тарғиботчилари эса зиёлилар давраларида, юртимизнинг энг чекка ҳудудларидаги маҳаллаларда, олий ўқув юртларида, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилаётган “Маънавият карвони” тадбирларимизда, чоп этираётган китобларимизда, маърифий учрашувларимизда таълим, тарбия, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ҳақида гапирармиз.

Бу ҳаётда барчамиз турли – туман мақсадлар билан яшаймиз. Хоҳишларимиз турлича, орзуларимиз турлича, армонларимиз турлича. Бахт ҳақида тушунчамиз, бахтсизлик ҳақида хулосаларимиз турлича. Бу ҳаёт йўлида эса бизни битта нуқта боғлаб туради. Бу – таълим. Дунё таниган донишмандлар ҳам мактаб олдида ўқувчи.

Қани эди ҳар ойда, ҳафтада тўпганиб ресторонлар, кафелар, кўнгилочар жойлар, томошалар, қанча базм-у жамшидларга бориб фароғат истаётган кўнгилларимиз кўчаларини мактаб сари бурсак эди. Дўстлар, синфдошлар, курсдошлар, маҳалладошлар, ҳамкасблар тўпганиб, мактабларга бориб турсак эди. Мактаб кутубхонасига бизнинг ўринбосарларимиз, эртанимиз эгаларининг ташифини кузатсак эди, жўяли хулоса қилсак эди.

“Бу жаҳолат хоҳишидирки, миллат фойдаси учун жонини қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидан чиқориб, истевдод ва ғайратларини чойхона ва пивахоналарга сарф этмакдурлар”, дея ёзган эди Мунаввар қори Абдурашидхон



салкам бир аср олдин.

Маърифатпарвар жадидларимиз умрини миллатни уйғотмоқликка бахш этиб, бу йўлдаги азоблардан ортга чекинмаганлар. Улар мактаблар очганлар, дарсликлар ёзганлар. Минг машаққат ила газеталар чоп этганлар. Театр труппаларини ташкил қилиб спектакль қўйганлар. Уларни бу эзгу ишларидан маҳрум этмоқ бўлганлар тўхматлар билан қатағон қилганлар, турмаларга ташлаганлар, ҳибсхоналарда ҳақоратлаганлар, шафқатсиз калтаклаганлар. Очлик ва касалликдан тинкалари қуриб, устихонлари чўпдек бўлиб қайтиб келиб, улар яна мактаблар очганлар, яна газеталар чоп этганлар. Уларнинг қўлёмалари йўқ қилинган, нашриётларига қулф урилган, газеталари, ҳатто мактабларига ўт қўйилган. Хатарлар, хиёнатлараро кечган жадидларимизнинг ҳаёти ҳамиша ўлим хавфи билан ёнма-ён турган. Аммо улар абад илм-у маърифат йўлида собит турганлар. Шеърлар ёзганлар, нутқлар сўзлаганлар, майдонларга чиққанлар, миллатни нур сари чорлаганлар.

Мунаввар қори, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Беҳбудий, Ибрат, Сўфизода каби қанча-

қанча азизларнинг қисмати шу эди.

Биз-чи? Биз нима қилаямиз?

Биз яшаётган ҳудуддаги мактабдан битта ҳам ўқувчи бу йил олий ўқув юртига ўқишга кира олмаган бўлса, бу учун фақат мактабни айблаймиз. Ҳудудимиздаги мактабдан бирорта бола жиноят қилса, ота-онасидан олдин мактаб директори, мактабнинг маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари, синф раҳбари жавобгар бўлади.

Жамоатчилик қаерда?

Боласининг қаердалигини билмайдиган ота-онага масъулиятни ким тушунтиради? Қўшнилариинг томошабинлиги қачон тугайди?

Устознинг улуғлигини уларга кимдир англатиши керак-ку!

Илм даргоҳига ҳурмат кўрсатишда кимдир ўрнатган керак-ку! Боламиз, набирамиз ўқиётган мактабга бир йилда бир мартагина ҳомилик ёрдами кўрсатсак эди.

Боласини ўқитиш учун ўз уйини сотиб, эскириб кетган уловини ичида яшаётган камбағал ҳиндчалик эмасмизми?

Қизчасини совуқда мактабга олиб-бориб келиш учун ўзига хос ихтиро: митти уйчани велосипедга ўрнатган синегаллик отачалик келажакка ишончимиз йўқми?

Ўзи оёқ яланг юриб боласининг олий ўқув юртида ўқишига пул тўлаб берган африкалик деҳқончалик эмасмизми?

Боласи мактабга кечикмаслиги учун соат 5.00 да уни отига миндириб, қорли тоғ йўлларини, қирлар оша ҳар кун мактабга олиб келган ва ҳар кун олиб кетган боболар бизники эди-ку!

Болалари мактабга кийиб бориши учун бор-йўғини сарфлаб, уларга этик ва пальтолар олиб бериб, ўзи қаҳратон кишда қирқ ямоқ этиклар кийган оталаримиз руҳи олдида виждонимиз қийналмайди?

Бола тарбияни аввал бу



оламга келиб илк қўрган маскан – оиласида олади.

Унинг тарбиясини норасо қилиб мактабга йўллар эканмиз, ўқитувчиларга жуда қийин бўлади. Унинг тарбиясизлиги беҳаёликка, ҳаёсизлиги сушт этиқодга алалоқибат маънавий мажруҳликка олиб келади.

Баъзи оилалар бола тарбиясини бутунлай мактабнинг, ўқитувчиларнинг зиммасига ташлаб қўйди.

Боласи уй вазифаларини бажармайдиган, дарсда синфдошларига ҳалақит бериб, ўқитувчини ҳақорат қиладиган, дарсдан қочадиган, ота-онаси мактабга қақирилса келмайдиган оилаларнинг эса уйига борган ўқитувчиларга жавоби тайёр: “Мен боламни боқиш учун тиним билмай ишлаб юрибман”.

Қайси ўқувчи ўз ўқитувчисини ҳурмат қилмас экан, ҳеч кимни ҳурмат қилмайди.

Қалбида устозга эҳтироми йўқ ўқувчи шарафсизликка кўникиб боради. Шарафсизлик – бахтсизликдир. Биз бунга лоқайд бўлмаслигимиз керак.

Зеро, жадид аллома Абдулҳамид Чўлпон айтганларидек, миллатни уйғотиш – уйгонганларнинг вазифасидир.

АКЦИЯ

Юртимиз тиббиёти тубдан ислох қилиниб, жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда. Барча йўналиш ва соҳаларда ўсиш ҳамда тараққиётга гувоҳ бўлиш мумкин. Бу борада, айниқса, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани қувонарли.

Ўзбекистон ХДП Денов туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳи ташаббуси билан “Чем” маҳалласида ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрик ҳам бунинг ёрқин ифодасидир. “Саломатлик акцияси” доирасидаги тадбирда тажрибали шифокорлар юртдошларимизни ўн турга яқин ҳасталиклар бўйича текширувлардан ўтказди. Бу электоратимиз вакиллари учун айна муддао бўлгани шубҳасиз. Яқунда 37 нафар кишига соғлиғини

37 НАФАР ЮРТДОШИМИЗ СОҒЛИҒИНИ ТИКЛАЙДИГАН БЎЛДИ

тиклаши учун бепул йўлланма берилди.

– Тиббий хизматни жаҳон андозаларига мос ташкил қилиш борасида вилоятда хайрли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. – Сўнгги йилларда чекка ва бориш қийин бўлган манзилларда 45 та тиббиёт муассасаси ва 237 та “Маҳалла тиббиёт пункти” ташкил қилингани бунинг ёрқин ифодасидир. Қарийб 150 га яқин поликлиниканинг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминлангани эса янада қувонарли. Хайрли ишларнинг ижобий натижаси ўлароқ, 500 минг нафардан ортиқ аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди.

– Ҳудуд туман марказидан 10-12 километр олисда жойлашган, – дейди “Чем” маҳалла фуқаролар

йиғини раиси, партиямиз фаоли Бобур Дўсқобилов. – Қарийб 5 минг нафарга яқин аҳоли истискомат қилса, 1 минг 300 дан зиёд оила бор. “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”даги илк тиббий кўрик маҳалламизда ташкил қилингани ҳам айна муддао бўлди. Мутахассилар тўғри овқатланиш ва спорт билан шўғулланиш саломатлик гарови эканлиги борасида тушунчалар берди. Аҳоли томонидан билдирилган таклифлар ўрганилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Бундай эзгу амаллар элдошларимиз соғлиғини муҳофаза қилиш билан бир қаторда, эртанги кунга бўлган ишонччи ҳам ошириши табиий.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uezbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 137. 2800 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda